

**“Ипотека-банк” АТИБ акциядорларининг навбатдан  
ташқари умумий йиғилишининг  
43 - сонли баёни**

2023 йил 26 май

Тошкент ш.

Шаҳрисабз кўчаси, 30-уй

“Ипотека-банк” АТИБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши интернет орқали онлайн режимда, масофадан туриб йиғилишни олиб бориш имконини берувчи электрон овоз бериш хизмати – <http://evote.uz/> платформаси воситасида соат 11<sup>00</sup> дан бошлаб ўтказилди.

**Кун тартибидаги масалалар:**

1. “Ипотека-банк” АТИБ ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритиш.
2. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши айрим аъзоларининг ўз ваколатларини муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги аризаларини қаноатлантириш ва “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
3. “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви айрим аъзоларининг ўз ваколатларини муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги аризаларини қаноатлантириш ва “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви аъзоларини сайлаш.
4. “Ипотека-банк” АТИБнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш.
5. “Ипотека-банк” АТИБнинг ички меъёрий ҳужжатларининг янги таҳрирларини тасдиқлаш.

Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартиби, акциядорларга бериладиган тарқатма материаллар ва овоз бериш бюллетени йиғилишни ўтказиш операторининг электрон платформасида (<http://evote.uz/>) жойлаштирилган.

Бунда, умумий йиғилишнинг ўтказилиши тўғрисида банк акциядорларини хабардор этиш мақсадида, 2023 йил 1 май ҳолатига шакллантирилган акциядорлар реестрига асосан, умумий йиғилишни ўтказиш вақти, шакли, кун тартиби тўғрисидаги хабар 2023 йил 4 май куни банкнинг корпоратив веб-сайтида, Корпоратив ахборот ягона порталида, “Тошкент” фонд биржасининг расмий веб-сайтида ва Uz24.uz интернет нашрида эълон қилинган ҳамда акциядорларнинг электрон почта манзилларига юборилган.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 61-моддасига ва банк Кузатув кенгашининг 2023 йил 1 майдаги 7-сон қарорига асосан, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузиш санаси 2023 йил 22 май этиб белгиланган. Шундан келиб чиқиб, йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2023 йил 22 май ҳолатига шакллантирилган. Мазкур санага шакллантирилган акциядорлар реестрида амалдаги қонунчиликка асосан фақат оддий акциялар эгалари йиғилишда овоз бериш ҳуқуқига эга.

2023 йил 22 май ҳолатига шакллантирилган реестрга кўра банкнинг устав капиталли 2’989’584’338’941 (икки триллион тўққиз юз саксон тўққиз миллиард беш

юз саксон тўрт миллион уч юз ўттиз саккиз минг тўққиз юз қирқ бир) сўмни ташкил қилади ва у қуйидаги акцияларга бўлинган:

- умумий қиймати 2'981'532'338'941 сўм бўлган номинал қиймати 1 (бир) сўмлик 2'981'532'338'941 дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;

- умумий қиймати 8'052'000'000 сўм бўлган номинал қиймати 1 (бир) сўмлик 8'052'000'000 дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар.

### **Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатли эканлиги (кворум тўпланганлиги):**

Йиғилишни ўтказиш оператори электрон платформасида шакланган ҳисобот бўйича, “Ипотека-банк” АТИБ акциядорларининг реестрига кўра, 2023 йил 22 май ҳолатига умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига жами 2'981'532'338'941 дона оддий акциялар эгаси бўлган 14501 та акциядор киритилган.

Акциядорлар рўйхатининг тўғри расмийлаштирилганлиги ва акциядорлар номидан умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган вакилларнинг ваколатлари тасдиқланди. Электрон ҳисоботга асосан йиғилишда иштирок этиш учун умумий овоз бериш ҳуқуқига эга 2'908'939'644'609 дона оддий акцияларга эгалик қилувчи 19 та акциядор ва уларнинг вакиллари рўйхатдан ўтганлиги ва умумий йиғилиш ваколатли эканлиги, яъни кворум мавжудлиги маълум бўлди.

**Йиғилиш кворуми: 97,56 %.**

Умумий йиғилишда иштирок этиш учун акциядорларни рўйхатдан ўтказиш <http://evote.uz/> платформасида интернет орқали электрон овоз бериш хизматидан фойдаланган ҳолда, уларнинг йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига киритилганлиги тўғрисида электрон хабарнома юборилиши асосида ўтказилди, шунингдек, умумий йиғилиш 2023 йил 26 май куни соат 11<sup>00</sup>дан бошланди ва шу куни соат 12<sup>15</sup> да тугатилди.

---

**1. Кун тартибидаги биринчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБ ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритиш.

**Юқоридагилардан келиб чиқиб, кун тартибидаги масала овозга қўйилди:**

<b>Тарафдор</b>	<b>Қарши</b>	<b>Бетараф</b>
<b>2'907'257'118'332</b>	<b>0</b>	<b>0</b>
<b>(99,942%)</b>	<b>(0%)</b>	<b>(0%)</b>

*(Овоз беришда иштирок этмаганлар 1'682'526'277 (0.058%) дона овоз)*

**2. Кун тартибидаги иккинчи масала** – “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши айрим аъзоларининг ўз ваколатларини муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги аризаларини қаноатлантириш ва “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

**Юқоридагилардан келиб чиқиб, кун тартибидаги масала овозга қўйилди.**

**Кумулятив овоз бериш натижалари:**

ФИИШ	Кузатув кенгаши аъзосининг лавозими/ мақоми	Кумулятив овоз бериш натижалари
		(овозлар сони)
Ласло Волф (Laszlo Wolf)	ОТР Bank Plc. Бош директори ўринбосари	2' 907' 246' 221' 386
Зоард Газмар Ласло (Zoard Gazmar Laszlo)	ОТР Bank Plc. Бошқарувчи директори, Комплаенс бўйича бош директор	2' 907' 333' 396' 954
Питер Беше Янош (Peter Bese Janos)	ОТР Bank Plc. Халқаро чакана хизматлар директорати раҳбари	2' 907' 246' 221' 386
Махкамов Рустам Хусниддинович	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бош юрисконсульти	2' 907' 246' 221' 386
Александр Пиккер (Alexander Picker)	Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси	2' 907' 246' 221' 386
Татьяна Доган (Tatiana Dogan)	Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси	2' 907' 246' 221' 386
Золтан Салаи Дьёрдь (Zoltan Szalai Gyorgy)	Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси	2' 907' 246' 221' 386
Максим Чернушченко (Maxim Chernushchenko)	Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси	2' 907' 246' 221' 386

**III. Кун тартибидаги учинчи масала –** Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви айрим аъзоларининг ўз ваколатларини муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги аризаларини қаноатлантириш ва “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви аъзоларини сайлаш.

**Юқоридагилардан келиб чиқиб, кун тартибидаги масала овозга қўйилди:**

**Тарафдор 2'907'257'118'332**

**(99,94%)**

**Қарши 0**

**(0%)**

**Бетараф 0**

**(0%)**

*(Овоз беришда иштирок этмаганлар 1'682'526'277 (0.058%) донга овоз)*

**IV. Кун тартибидаги тўртинчи масала –** Ипотека-банк” АТИБнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш.

**Юқоридагилардан келиб чиқиб, кун тартибидаги масала овозга қўйилди:**

**Тарафдор 2'907'246'221'386 Қарши 10'896'946 Бетараф 0**  
**(99,941%) (0,001%) (0%)**  
*(Овоз беришда иштирок этмаганлар 1'682'526'277 (0.058%) дона овоз)*

**V. Кун тартибдаги бешинчи масала – “Ипотека-банк” АТИБнинг ички меъёрий ҳужжатларининг янги таҳрирларини тасдиқлаш.**

**Юқоридагилардан келиб чиқиб, кун тартибдаги масала овозга қўйилди:**

**Тарафдор 2'907'246'221'386 Қарши 10'896'946 Бетараф 0**  
**(99,941%) (0,001%) (0%)**  
*(Овоз беришда иштирок этмаганлар 1'682'526'277 (0.058%) дона овоз)*

Юқорида баён этилган масалаларни муҳокама қилиб, “Ипотека-банк” АТИБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

**ҚАРОР ҚИЛДИ:**

1. “Ипотека-банк” АТИБ ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилсин ва 1-сонли иловага мувофиқ янги таҳрирда тасдиқлансин.

“Ипотека-банк” АТИБнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва ОТР Bank Plc. ўртасида тузилган акцияларни олиш-сотиш бўйича шартномага мувофиқ 1-транзакция ёпилишидан сўнг амалга киритилсин.

2. “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши айрим аъзоларининг ўз ваколатларини муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги аризалари қаноатлантирилсин ва “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш масаласи тасдиқлансин.

Ж.А. Абдушукуров, З.А. Ибраҳимжанова, И.М. Абдуллаева, А.А. Таджиев ва В. Дэвис “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши таркибидан чиқарилсин.

Ласло Волф, Зоард Газмар Ласло, Питер Беше Янош, Максим Чернушченко “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши таркибига киритилсин ҳамда “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши уч йил муддатга куйидаги таркибда сайлансин:

ФИШ	Кузатув кенгаши аъзосининг лавозими/ мақоми
Ласло Волф (Laszlo Wolf)	ОТР Bank Plc. Бош директори ўринбосари
Зоард Газмар Ласло (Zoard Gazmar Laszlo)	ОТР Bank Plc. Бошқарувчи директори, Комплаенс бўйича бош директор
Питер Беше Янош (Peter Bese Janos)	ОТР Bank Plc. Халқаро чакана хизматлар йўналиши раҳбари
Рустам Хусниддинович Маҳкамов	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг бош юрисконсульти

Александр Пиккер (Alexander Picker)	Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси
Татьяна Доган (Tatiana Dogan)	Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси
Максим Чернушченко (Maxim Chernushchenko)	Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси
Золтан Салаи Дьёрдь (Zoltan Szalai Gyorgy)	Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси

Бунда, банк Кузатув кенгаши таркибига янги сайланган аъзолар Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва OTR Bank Plc. ўртасида тузилган акцияларни олиш-сотиш бўйича шартномага мувофиқ 1-транзакция ёпилиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган кундан бошлаб ўз вазифаларини бажаришга киришиши, шунингдек Кузатув кенгаши таркибидан чиқарилаётган аъзоларнинг ваколатлари юқоридаги кўрсатилган иккала шарт амалга ошгандан сўнг тугатилиши белгилансин.

3. “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви айрим аъзоларининг ўз ваколатларини муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги аризалари қаноатлантирилсин ва “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви аъзоларини сайлаш масаласи тасдиқлансин.

Бунда:

- Жаҳонгир Мамаджанович Фаязов “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви Раиси ўринбосари – Рискларни бошқариш блоки раҳбари лавозимидан озод этилсин ҳамда “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви таркибидан чиқарилсин;

- Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи департаменти директори Элёр Зафарович Норметов ва Юридик департамент директори Ҳумоюн Ғайратович Муродов “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви таркибидан чиқарилсин;

Банк Бошқаруви Раисининг биринчи ўринбосари – Корпоратив банкинг ва бозор инструментлари блоки раҳбари лавозими тугатилганлиги муносабати билан, Фаррух Маннонович Ботиров банк Бошқаруви Раисининг биринчи ўринбосари – Корпоратив банкинг ва бозор инструментлари блоки раҳбари лавозимидан озод этилсин.

Қуйидагиларнинг тегишли лавозимларга тайинланиши ва “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви аъзолари этиб сайланиши тасдиқлансин:

Элёр Исроилович Иномжонов – “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви Раиси;

Виктор Воробеж – Бошқарув Раиси ўринбосари, Рискларни бошқариш блоки раҳбари (Рисклар бўйича бош директор);

Сентпетери Адам Андраш – Бошқарув Раиси ўринбосари, Стратегия ва молия блоки раҳбари (Молия бош директори);

Дмитрий Сапронов – Бошқарув Раиси ўринбосари, Кичик бизнес ва чакана хизматлар блоки раҳбари;

Фаррух Маннонович Ботиров – Бошқарув Раиси ўринбосари, Корпоратив банкинг ва бозор инструментлари блоки раҳбари;

Джура Исмаилович Зулфукаров – Бошқарув Раиси ўринбосари, Давлат дастурлари ва ҳудудлардаги лойиҳалар блоки раҳбари;

Маҳмуд Ахматхужаевич Абдурахмонов – Бошқарув Раиси ўринбосари, Операциялар блоки раҳбари;

Нодирбек Алишерович Раҳбаров – Бошқарув Раиси ўринбосари, Кредит портфели мониторинги ва муаммоли кредитлар билан ишлаш блоки раҳбари;

Жамшид Раҳматбой ўғли Хайруллаев – Бошқарув Раиси ўринбосари, Корпоратив бошқарув блоки раҳбари.

Шунингдек, банк Бошқаруви аъзолари билан шартномалар уч йилга тузилиб, ушбу шартномаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилиниши белгилансин.

Бундан ташқари, “Ипотека-банк” АТИБ Бошқарув таркибига янги сайланган аъзолар ўз вазифаларини бажаришга Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва ОTR Bank Plc. ўртасида тузилган акцияларни олиш-сотиш бўйича шартномага мувофиқ 1-транзакция ёпилиб, улар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган кундан бошлаб киришиши, шунингдек банк Бошқаруви таркибидан чиқарилаётган аъзоларнинг ваколатлари юқорида кўрсатилган иккала шарт амалга ошгандан сўнг тугатилиши белгилансин.

4. “Ипотека-банк” АТИБнинг янги таҳрирдаги устави 2-сонли иловага мувофиқ тасдиқлансин.

“Ипотека-банк” АТИБнинг янги таҳрирдаги устави Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва ОTR Bank Plc. ўртасида тузилган акцияларни олиш-сотиш бўйича шартномага мувофиқ 1-транзакция ёпилиб, устав Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб амалга киритилиши белгилансин.

Банк Бошқаруви “Ипотека-банк” АТИБнинг янги таҳрирдаги уставини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

5. “Ипотека-банк” АТИБнинг қуйидаги ички меъёрий ҳужжатларининг янги таҳрирлари тасдиқлансин:

- “Ипотека-банк” АТИБ акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги низом (3-сонли илова);

- “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом (4-сонли илова);

- “Ипотека-банк” АТИБ Бошқаруви тўғрисидаги низом (5-сонли илова).

Ушбу қарорнинг 5-банди билан тасдиқланаётган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва ОTR Bank Plc. ўртасида тузилган акцияларни олиш-сотиш бўйича шартномага мувофиқ 1-транзакция ёпилиб, “Ипотека-банк” АТИБнинг янги таҳрирдаги устави Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб амалга киритилсин.

Йиғилиш котиби

 **Б. Мерганов**

*Ушбу баён 2023 йил 5 июнда икки нусхада тузилди.*